







**Жаҳонда рўй бераётган молиявий инқироз кўлаб мамлакатлар иқтисодиётига, хусусан, молия ва банк тизимига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шундай мураккаб вазиятда, мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосида ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган иқтисодий сиёсатнинг юритилаётгани туфайли у республикаимизни четлаб ўтмоқда. Ўзбекистон халқаро интеграциялашган иқтисодий муносабатларнинг узвий иштирокчиси эканлиги инobatта олинган ҳолда,**

**Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларининг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилганининг натижаси бу.**

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий мақсади, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизация қилиш, жаҳон бозорида рақобатбардош замонавий инновация технологияларини жорий қилиш ва агросаноат мажмуи тармоқларини ривожлантиришда молия-банк тизимининг ролини ошириш орқали тараққиётимизнинг жаҳон инқирозидан кейинги даврлардаги марраларини белгилаб олишдан иборатдир. Жумладан, агросаноат мажмуи тармоқларини барқарор ривожлантириш таъминлаш учун Президентимизнинг жорий йилнинг 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан очик акциядорлик тижорат "Пахтабанк" негизида "Агробанк" акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Унинг зиммасига барча мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, пахта ва галлани қайта ишлаш, саклаш, ташуш ва сотишга ихтисослашган корхоналарни молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш вазифалари юклатилди.

Эндиликда агросаноат мажмуи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, соҳага замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этиш асосида ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш, шунингдек, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш учун инвестицион жараёнларда фаол иштирок этиш янги банкнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки мулкчи, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаши ва ўз вақтида эгаларига қайтарилишини кафолатловчи талаблар асосида акциядорлик тижорат "Пахтабанк"нинг ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ОАТБ "Агробанк" ("Пахтабанк") фаолияти давомида ўзининг тезкор ва сифатли банк хизматлари орқали нафақат қишлоқ хўжалик корхоналарининг, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам ишончли ҳамкорига айланди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган Ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан изчил ишлар амалга оширилиб, айниқса, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатлар ўрнида пахта ва галлалчилик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишида ташкил этилган фермер хўжалиқларини молиявий маблағларга бўлган талабини қондиришда етакчи молия муассасаларидан бирига айланди, десак, асло муболага бўлмайди. Бундан республиканинг барча ҳудудларида кенг тармоқли банк инфратузилмаси шакллантирилгани айни мuddао бўлди. Бугунги кунда банкнинг ҳудудларда 186 та фили

лиали, 713 та мини-банк ва 162 та махсус кассаси мавжуд бўлиб, улар томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқларига, шунингдек, аҳолига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Ҳукуматимиз бошчилигида банкнинг барқарор фаолият юритишини таъминлаш

ма имзолаган қишлоқ мулкдорлари шартномалари банк томонидан тўлиқ молиялаштирилиб келинмоқда. Банк томонидан, чет эл кредит линияларини жалб қилган ҳолда, қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан, фермер хўжалиқларининг моддий-техника таъминоти-

дентининг 2007 йил 9 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги инвестиция дастури тўғрисида"ги қарори асосида ўтган йили капитал қўйилмаларга маблағлар йўналтирилган бўлиб, жумладан, бюджет маблағлари ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси "Оролбўйи" бирлашмасининг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурига киритилган 27 та объект, Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта қуриш агентлигининг 3 та йўналиши бўйича жами 61 та лойиҳаси молиялаштирилди. Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга



## «АГРОБАНК» — АНИҚ МАҚСАД, ДАДИЛ ОДИМЛАР КАФОЛАТИ

мақсадида, унинг капиталлашуви даражасини оширишга ва ресурс базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг натижасида, банкнинг жами капитали 2008 йил март ойида 23 млрд. сўмга ошиб, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 131,2 млрд. сўмни ташкил этиди. Бундан устаси капитални ҳисобот даврида 50 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2008 йил бошидагига нисбатан 11,8 млрд. сўм ёки 28,5 фоизга ўсишига эришилгани алоҳида эътиборга моликдир.

ни мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинаёпти. Хусусан, 2008 йил март ойида банк томонидан 25,4 млн. АҚШ доллари, бундан, Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкидан ҳамда Осие Тараққиёт банкидан "Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш" лойиҳаси бўйича 7 млн. АҚШ доллари ҳамда "Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш" лойиҳаси бўйича маблағлар ўзлаштирилгани шундан далолат беради. Бунинг натижасида, фермер хўжалиқларида Германиянинг "КЛААС" компанияси-

қаратилган инвестицион лойиҳаларда фаол иштирок этиш банкнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Биргина 2008 йилда банк томонидан ушбу соҳани ривожлантириш учун 83,4 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилиши натижасида, улар томонидан импорт ўрнини босувчи қўлаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Энг муҳими, йил давомида 32 404 та янги иш ўрни яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган

майда 10 млрд. сўмлик кредит линиясини очиб тўғрисида шартнома имзолангани бунинг яққол тасдиғидир. Унга кўра, банк томонидан 2008 йил 31 декабрь ҳолатига ажратилган маблағлар 20 га яқин миқдорнинг мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбир-

дирлар миқдори 12,3 млрд. сўмни ташкил этди. Албатта, иқтисодиёт тармоқларини молиявий қўлаб-қувватлашда банк ресурсларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларига аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2007 йил 7 ноябрдаги "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул


бўйича биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, банкнинг Чуст филиали "Қишлоқ жойида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банк филиали" номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Бу борада олиб борилаётган ишлар аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва миқдорларга ҳизмат кўрсатишда қўлайликлар яратилганлигидан далолат беради.

Шу ўринда, банкнинг молиявий барқарорлиги янада мустаҳкамланаётгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилаётганини таъкидлаш жоиз. 2008 йилнинг 11 августда "Fitch Ratings" халқаро рейтинг компанияси банкнинг молиявий ҳолати бўйича "Барқарор" тоифадаги тўлиқ рейтинг хулосаси билан баҳолади. Ушбу эътироф хорижий инвестицияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш юзасидан янги имкониятларни яратди.

Бундан ташқари, ўтган йилда банк халқаро даражада эътироф этилган "The Banker" журнали томонидан ўтказилаётган конкурсда "Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи энг яхши банки" деб эътироф этилиб, "Йил банки — 2008" сertiфикатига сазовор бўлди. "Ахбор-Рейтинг" компанияси томонидан кредит рейтингининг миллий шкаласи бўйича "uzA+" рейтинг тасдиқлангани эса, банкнинг юқори даражали кредит тўловига лаёқатлиги ҳамда кредит таваккалчилигини паст даражаси белгиланганини кўрсатади.

Буларнинг барчаси Президентимиз таъкидлаганидек, "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили ҳамда банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишонч асосида муассасамизнинг кўпмий сонли ходимлари меҳнати маҳсули, десак, асло муболага бўлмайди.

"Пахтабанк" негизида "Агробанк" очик акциядорлик тижорат банкининг ташкил этилиши натижасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва соҳа корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхона ва компанияларини молиявий қўлаб-қувватлаш имкониятлари янада кенгайди.



Алоҳида аҳамиятли жиҳати шундаки, шакллантирилган жами капитал миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган ҳамда халқаро молия институтлари билан имзоланган кредит шартномаларида акс эттирилган иқтисодий меъёр ва талабларга тўлиқ жавоб беради. Ҳисобот йили якунида банк кредит қўйилмалари қолдигининг 56 фоизи қишлоқ хўжалиги секторига тўғри келди. Шу ўринда жами кредит қўйилмаларининг 66 фоизи узоқ муддатли кредитлардан иборатлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, бу қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшувчи банкнинг узоқ муддатли кредит қўйилмалари улуши тўбора ортиб бораётганидан далолатдир.

2008 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган кредит маблағлари асосан галла ўриш комбайнлари, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, турли хилдаги тиркачалар ва улар учун эҳтиёт қисмлар харид қилишга, шунингдек, чорва моллари ва сув чиқариш насослари сотиб олиш ҳамда таъмирлашга йўналтирилди. Бундан ташқари, анъанавий ўтказиб келинаётган "Agrominotech Expo" кўргазма-савдоларида замонавий техника ва технологияларни хариди бўйича шартно-

да ишлаб чиқарилган 115 та "Доминатор-130" русумли дон ўриш комбайни, 244 та ТТЗ-80/11 трактори, 34 та ТТЗ-80/10, 73 та ВТ-150 ҳайдов трактори, 39 та Т-4А трактори, 88 та МТЗ-80Х трактори, 76 та плуг, 140 та тобора ортиб бораётганидан далолатдир. 2008 йилда қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олишлари молиялаштирилди.

Шу билан бирга, банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича тармоқдан ташқари, анъанавий ўтказиб келинаётган "Agrominotech Expo" кўргазма-савдоларида замонавий техника ва технологияларни хариди бўйича шартно-

маблағларда халқаро молиявий институтлар, жумладан, Германиянинг КФВ банки, Осие Тараққиёт банки (ОТБ), Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) ҳамда Германиянинг "Хипоферайнс Банк" кредит линиялари улуши ҳам сезиларли даражада эканлиги диққатга сазовордир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги "Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган, тижорат банкларининг инвестиция жараёнларида иштирок этиш имкониятлари янада кенгайди. Мазкур қарорга асосан Молия вазирлиги ва "Пахтабанк" ўртасида 2008 йил 25

Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар фаолиятини молиявий қўлаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Натижада бугунга келиб, "Агробанк" тизимиди ҳисоб рақамларини очган тадиркор аёллар сони 14 728 нафарга етди, уларга 2008 йилда ажратилган кре-

маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, аҳолининг ишончли янада мустаҳкамлаш ҳамда мижозларнинг бўш пул маблағларини банкдаги депозитларга жалб қилиш ишларига катта эътибор қаратилди. Хусусан, 2008 йил давомида банк томонидан аҳоли учун қўлай бўлган 23 турдаги янги омонатлар жорий қилиниши туфайли аҳолининг банкдаги жамғарма ва мuddатли омонатлардаги қолдигини 35 фоизга ўсишига эришилди.

Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича Республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан банкларро ўтказилган танловда банкимиз "Энг яхши эмитент банк" номинацияси

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, банкнинг модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга ва салмоқли ўринга эга корхоналарни айланма маблағлар билан тўлдириш, кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали қишлоқ жойларда аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида, янги иш ўринлари ташкил этиш "Агробанк"нинг асосий эътиборида бўлади. "Агробанк" олдиди турган масъулиятли ва шарафли, устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида, махсус дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижроси бўйича кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Хулоса қилиб айтганда, "Агробанк" аграр соҳага оид барча корхона ва ташкилотларга қўлай ва самарали, бир сўз билан айтганда, комплекс банк хизматлари кўрсатиб, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқининг янада юксалишига хизмат қилади.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан



Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита вакиллари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавий тарғибот маркази масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ҚУТЛУҒ ТҮЙ ТАРАДДУДИ

Тадбирда таъкидланганидек, пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва макеига муносиб равишда унинг юбилей тантаналарини ўтказиш учун айти пайтда қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилапти. Бу борада Президентимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Унга мувофиқ, пойтахтимиз юбилейи муносабати билан шаҳар ҳудудида кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш тадбирларини ўтказиш, Тошкентнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, аиникса, ёш авлод онгу шуурида она-юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтириш максатидда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш асосий вазифа этиб белгиланган.

Анжуманда мазкур йўналишда белгиланган вазифалар ва амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берилди. Хусусан, юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича Кувонарлиси, бугун кўҳна ва ҳамшиша навқирон пойтахтимиз ўзининг бой тарихи ҳамда бугунги обрў ва нуфузи билан дунёнинг кўп қисми мамлакатларида қизиқ уйғотмоқда. Хусусан, Тошкентнинг 2200 йиллиги Франция, Германия, Украина, Хитой, Саудия Арабистони, Италия, Япония сингари давлатларда кенг нишонлангани кўзда тутилаётди. Яқинда Франция пойтахти Париж шаҳрида пойтахтимиз юбилейи муносабати билан ташкил этилган ҳўнармандчилик ва амалий санъат кўргазмаси ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир. Мазкур халқаро анжуманда Тошкентнинг Европа ва Осиёнинг стратегик чорраҳасида жойлашган гўзал пойтахт эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни



Интеллектуал мулк ҳар бир жамият тараққиётида салмоқли ўрин тутди. Шу боисдан, мулкчиликнинг бошқа барча шакллари ва турлари қаторида интеллектуал мулк равнақи ҳамда уни ҳуқуқий муҳофаза этиш масаласига мустақил Ўзбекистонимиз шароитида давлат миқёсида катта эътибор қаратилмоқда. Мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори Бахтиёр ОМОНОВ билан худди шу мавзуда суҳбат қилди.

БЕБАҲО БОЙЛИК

— Бахтиёр Ахтамович, энг аввало, газетхонларимизга «интеллектуал мулк» тушунчаси ва уни ҳуқуқий ҳимоялаш тарихи тўғрисида маълумот бериб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда азал-азалдан жуда катта интеллектуал бойлик яратиб келинган. Бу жараён шу кунларда ҳам қизгин давом этмоқда. Интеллектуал мулк объектларига — фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумот базалари, ихтиролар, фойдали моделлар, санъат намуналари, товар белгилари (ҳизмат кўрсатиш белгилари) ва бошқалар кирди.

Модомки, интеллектуал мулк бор экан, бу мулкни ўз ҳимоясига оладиган ташкилот ва тизим ҳам бўлади. Шу маънода, 1967 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини таъсис этиш тўғрисида Халқаро Конвенция имзоланди. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) бош қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган бўлиб, бу ташкилот билан мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Хозирги кунда БИМТга 180 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади.

— Маълумки, интеллектуал мулк ҳимоясига оид асосий халқаро ҳужжатлардан бири — Берн Конвенциясидир. Газетхонлари-

мизни бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти қизиқтиради, албатта.

— Берн Конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган ҳуқуқларни, жумладан, муаллифлик ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган асосий халқаро шартномалардан бирidir. Конвенция универсал ҳуқуқий ҳужжат сифатида аъзо-давлатларда тўғридан-тўғри ёки унинг қоидаларини соҳага оид миллий қонунчиликда акс эттириш орқали амал қилади.

Республикамиз 2005 йилда Берн Конвенциясига қўшилди. Қисқа вақт ичида юртимизда ҳуқуқимиз томонидан муаллифлик ҳақларини тўлаш тартиби (2007), муаллиф ва ижрочилар асарларидан фойдаланганлик тартибига оид (2008) қарорлар қабул қилинди. Қонраф ҳуқуқ нусхалар, яъни ноқонуний интеллектуал махсулотлар савдосига қарши кураш олиб борувчи республика комиссияси кейинги икки йил мобайнида давлат солиқ хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жами 1,5 мингдан зиёд текшириш, рейд тадбирлари ўтказиб, 2,0 мингга яқин қонунбузилиш ҳолатларини аниқлади ва 300 миң нусxada, 2,1 миллиард сўмлик турли шаклдаги аудио-видео махсулотлари, суд қарорига қўра, мусодара этилди.

— Ўзбекистонда Давлат патент идораси 1992 йилда ташкил этилган. Бу идора қандай фаолият билан шуғулланимоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси республика ва аиникса халқаро алоқалар соҳа-

сидаги фаолиятини аниқ режалар асосида амалга ошириб, ўтган йиллар мобайнида Санъат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси (1991), Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш учун Мадрид битимига доир Баённома ва Протоколи, Патент кооперацияси тўғрисида шартнома (РСТ), Товар белгиларига оид қонунлар тўғрисида шартнома (ТЛТ), Патент ҳуқуқи навларини муҳофаза қилишга оид халқаро конвенция (UPOV), Белгиларни рўйхатдан ўтказиш учун товар ва хизматларнинг халқаро таснифи тўғрисидаги Ницца битими, Халқаро патент таснифи тўғрисидаги Страсбург битими, Санъат намуналарининг халқаро таснифини таъсис этиш тўғрисида Локarno битими каби ва бошқа нуфузли халқаро шартномалар, битимларга қўшилди ва БИМТнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлар, 10 та ҳуқуқматлар, 17 та идораларо шартнома ва битимлар тузилиб, амал қилмоқда. Мазкур ҳужжатлар ёрдамида илмий-техникавий ишланмалар ҳоржий давлатларда ҳам муҳофаза қилинади ва экспортларнинг ташқи иқтисодий фаолиятига қўмақлаштилади. Аини пайтда улур чет эл инвестицияларини миллий санъатимизга жалб қилишга йўналтирилган.

Патент идорасининг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент

идораси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2002 йил 14 июнда қабул қилинган 209-сон қарори билан тасдиқланган Низом асосида янги тдан тартибга солинди. Агар илгари санъат мулкнинг 4 та объек-

тига (ихтиролар, фойдали моделлар, санъат намуналари, товар белгиларига) ҳуқуқий муҳофаза бериш жорий қилинган бўлса, хозирги кунда ЭХМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, ўсимлик навлари, ҳайвонотлар, интеграл микросхемалар топологиялари, товар келиб чиққан жой номлари каби ўндан ортиқ интеллектуал мулк объектлари муҳофаза қилинмоқда. Мустақиллик йилларида қабул қилинган бешта Қонун, бир юз элликдан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳанинг ривожига хизмат қилаётди. Интеллектуал мулкни ҳимоялаш билан боғлиқ қонунчилик мамлакатимизда давр талаби асосида узлуксиз тақомиллаштириб берилмоқда.

БИМТнинг Халқаро бюроси томонидан Ўзбекистоннинг давлат патент-лицензия сисъатини ўтказишдаги халқаро нуфузи расман эътироф этилди. Жаҳон давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов миллий патент тизимини яратиш ва ривожлантириш, илмий-технологик ва ихтирочилик фаолиятига ёрдам қўрсатишдаги улкан шахсий ҳиссаси ҳамда санъат мулкни муҳофаза қилишнинг халқаро патент-ҳуқуқий тизимида мамлакатимизнинг фаол иштироки учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Катта олтин медали (1996)га сазовор бўлди.

— Давлат патент идораси нафақат интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза этади,

балки мазкур соҳада юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш билан ҳам шуғулланади. Бу йўналишдаги ишлар қандай борапти?

— Идорамиз қошида судгада бўлган инстанция сифатида Апелляция кенгаши фаолият қўрсатиб келаётди. Апелляцияларни бериш ва кўриб чиқиш масалаларини тартибга солишчи қонунлар Адлия вазирлигида рўйхатга олинган ҳужжатлар ва апелляцияларни кўриб чиқишга доир йўриқнома билан тартибга солинади. Идорамизда йилга йигирмадан ортиқ судгада бўлган ишлар мазкур кенгаш томонидан кўриб чиқилмоқда.

— Мамлакатимизда улкан патент фонди шаклланди. Унинг таркиби, сифати ва аҳамияти тўғрисида қандай фикрдасиз?

— Агар рақамларга мурожаат қилдикан бўлсақ, ўтган ўн етти йил мобайнида интеллектуал мулк объектларига 88,7 миң талабнома қабул қилинди. Давлат экспертизаси текшириши ва ҳулосаларига биноан, интеллектуал мулк объектлари Давлат реестрларида 30,9 миңга иктиро, 1,6 миңга санъат намунаси, 0,4 миңга фойдали модель, 17,8 миңга товар белгиси, 1,5 миңга ЭХМ учун давр белгиси, 1,5 миңга ЭХМ учун давуру ва маълумот базаси, 0,1 миңга селекция ютуқлари рўйхатдан ўтказилди.

Давлат патент фондини шакллантириш Давлат патент идорасининг бош вазифаларидан бири бўлиб, у мустақиллик йиллари давомида 16 млн. нусхадан 66,8 млн.дан ортиқ нусхага, яъни 4,2 мартаба кўпайган. Миллий патент тизими ҳуқуқий базасининг яратилганлиги ва унинг халқаро ташкилотлар билан уйғунликда фаолият олиб бораётганлиги инновацион тадбиркорликда илмий-техникавий ингилиларнинг татбиқ этилишига кенг шароит яратиб бераётди. Ўзбекистонда бугунги кунда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизими шакллантирилган ва у муваффақиятли амал қилмоқда.

М. САФАРОВ суҳбатлашди.

Ёдном

Ҳақиқий санъат асари кўнгилда эзгуликка ҳавас, меҳру вафога интиқлик, гўзалликка иштиёқ уйғотушга қодир. Зотан, юракдан айтилган сўзнинг кудрати, шoirнинг ҳаёт-мамот, кувонч дард деб билгани — шеър гагалнинг таъсири тенгсиздир.

«...Ортада қолган из яхши»

Ўзбекистон халқ шoirи, шеърини мусававир, бетакор ижоди ила элу халқ меҳри ва эҳтиромига сазовор бўлган оташқалб ижодкор Муҳаммад Юсуф шундайин бебаҳо инсон эди. Унинг бахти шунда эдики, қизгин ижоди, назм муҳлисларига тақдир этган асарлари ўз элида қадр топи, юксак эъзозу ҳурматга муносиб қўрилди. Она ватан, меҳр-муҳаббат, тиркилик бахти, ҳаёт завқи ва ташвишлари хусусидаги шеърлари эларо қўшиқлар қилиб қўйилди, катта-кичик давраларда юракларни жунбушга келтиргувчи сеҳрли куй мисол сел бўлиб тингланди, тингланапти ва бундан кейин ҳам дилларга уйғоқлик бахш этишда давом эттаверади. Зеро, Муҳаммад Юсуф шеърини, унинг ижоди ёш

тиқлол гоҳини халқимиз онгу шуурига сингдиришда бекиёс аҳамият касб этади.

Шoir ижоди юксак қадр-лаиб, Юртбошимиз, ҳуқумат

лиги кенг нишонланди. Ҳуқуқ муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳалларда таниқли ёзувчи, санъаткор ҳамда олимлар иштирокида унинг ижодига бағишланган ижодий учрашув ва адабий кечалар ўтказилди. Буларнинг бари «Хен қимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» дея юртига, миллатига, она халқига қўлган самимий ҳиссий гўзал таразда баён эта олган маҳорат соҳиб, элнинг суйимли ва ардоқли шoirига қўрсатилган чексиз ҳурмат рамизи сифатида кўнгилларга муҳрланди.

Шунинг эътибори, Муҳаммад Юсуфнинг қисқа умр кўрган бўлса-да, инсон сифатида, шoir сифатида, ёниққалб ижодкор сифатида ўзидан мангу из қолдира олган, улуглики дахлдор шахс эканлигини англашиб ўтирибди. Зеро, йиллар ўтаверади, замону маконлар ўзгараверади, бирок унинг муқаддас ёди, оҳанрабодек жалб эттувчи шеърлари унутилмайди, аксинча, давралар файзи, диллар ороми бўлиб қолаверади.

Яхши

Эй дўстларим, дунёда Ортада қолган из яхши, Булули йўқ баҳордан Кумри тўла кўз яхши. Миннат тўла ҳаловатдан Айвондаги муз яхши, Улчи кўрган паридан Сепкила тошган юз яхши, Ичмасанг ҳам қимиз зўр, Қўмсанг ҳам кўз яхши. Эй дўстларим, дунёда Ортада қолган ёд яхши,

Тўққизинда йўқмаган Қариндошдан ёт яхши, Унта номдар дўстимдан Битта чўлоқ от яхши. Олисдаги олтидан Кучоқдаги гард яхши, Вафоси йўқ хотиндан Давоси йўқ дард яхши, Галамис берсан ганадан Бурда арпа нон яхши, Қирқта чала мулладан Битта мусулмон яхши.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеа ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф етгади!

2009 йил 26 май кунни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Собир Раҳимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 26 декабрдаги 10-0804/14268-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйда жойлашган «Жиҳоз» ОАЖнинг «Б» блок майдони 378 кв.м. бўлган, 1943 йилда қурилган савдо дўкони қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 162 500 000 сўм.

Мазкур мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004. Савдоларга марҳамат!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ «ишонч телефонлари»: 8-371-234-55-93, 8-371-234-58-36. Виллоятлар Корақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ 8-361-223-89-45, 8-361-223-90-74 Андижон вилояти ИИВ ЁХБ 8-374-222-34-45, 8-374-222-30-32 Бухоро вилояти ИИВ ЁХБ 8-365-222-09-99, 8-365-222-77-15 Жиззах вилояти ИИВ ЁХБ 8-372-226-45-28, 8-372-226-57-63 Қашқадарь вилояти ИИВ ЁХБ 8-375-221-19-45, 8-375-221-13-04 Навоий вилояти ИИВ ЁХБ 8-436-770-25-73, 8-436-224-80-91 Наманган вилояти ИИВ ЁХБ 8-369-226-31-38, 8-369-226-47-53 Самарқанд вилояти ИИВ ЁХБ 8-366-233-02-69, 8-366-233-36-32 Сурхондарь вилояти ИИВ ЁХБ 8-376-223-21-13, 8-376-223-39-21 Сирдарё вилояти ИИВ ЁХБ 8-367-225-31-03, 8-367-225-15-10 Тошкент вилояти ИИВ ЁХБ 8-371-265-04-49, 8-371-264-37-53 Тошкент шаҳар ИИВ ЁХБ 8-371-244-12-62, 8-371-234-52-42 Фарғона вилояти ИИВ ЁХБ 8-373-224-38-17, 8-373-224-81-16 Хоразм вилояти ИИВ ЁХБ 8-362-227-44-08, 8-362-227-24-11 Транспорт ИИВ ЁХБ 8-371-256-72-46

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ» РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%. а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73 Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

ОБ-ҲАВО (25 апрель) Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 3-8 даража илик, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 3-8 даража илик, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечаси 3-8 даража илик, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилояти. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 3-8 даража илик, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 6-11 даража илик, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади. Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 3-8 даража илик, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат тунда 6-8 даража илик, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, қляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ ФАКС 236-36-48. E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибхона 233-10-28; Эълолар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бермуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.10